



THE RELEVANCE OF KNOWLEDGE ABOUT POLITICAL CULTURE WITHIN THE COMPETENCE OF AN INTERNAL AFFAIRS SYSTEM EMPLOYEE

Shukhrat Qadamovich Igamov

Independent researcher

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: employee of the internal affairs bodies, political system, criterion of political culture, political trends, nationality, mass media.

Received: 04.08.25

Accepted: 04.08.25

Published: 04.08.25

Abstract: the article examines the importance of legal and political knowledge in the professional competence of an employee of the internal affairs bodies as a civil servant in ensuring the rights and freedoms of members of society, protecting their peaceful and quiet life. The minimum political knowledge necessary to improve the political culture of an employee of the internal affairs bodies is described.

ИЧКИ ИШЛАР ТИЗИМИ ХОДИМИ КОМПЕТЕНЦИЯСИ ТАРКИБИДА СИЁСИЙ МАДАНИЯТГА ДОИР БИЛИМЛАРНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Шухрат Қадамович Игамов

мустақил тадқиқотчи

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Kalit soʻzlar: ички ишлар тизими ходими, сиёсий тизим, сиёсий маданият мезони, сиёсий тенденциялар, миллийлик, оммавий ахборот воситалари.

Аннотация: мақолада ички ишлар тизими ходимининг давлат хизматчиси сифатида жамият аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, тинч ва осуда ҳаётини муҳофаза қилишда ҳуқуқий ва сиёсий билимларга эгаллиги касбий компетенциясида муҳим ўрин тутиши асосланган. Ички ишлар тизими ходимининг сиёсий маданиятини оширишда зарур бўладиган минимал сиёсий билимлар тавсифланган.

АКТУАЛЬНОСТЬ ЗНАНИЙ О ПОЛИТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЕ В СОСТАВЕ КОМПЕТЕНЦИЙ СОТРУДНИКА СИСТЕМЫ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

Шухрат Қадамович Игамов

независимый исследователь

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: сотрудник органов внутренних дел, политическая система, критерий политической культуры, политические тенденции, национальность, средства массовой информации.

Аннотация: в статье рассматривается значение правовых и политических знаний в профессиональной компетентности сотрудника органов внутренних дел как государственного служащего в обеспечении прав и свобод членов общества, защите их мирной и спокойной жизни. Описывается минимум политических знаний, необходимый для повышения политической культуры сотрудника органов внутренних дел.

Ички ишлар тизими ходими — давлат ва жамиятнинг энг фаол аъзоларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, унинг хизмат вазифаси энг аввало, жамият аъзолари ҳисобланган фуқаролар билан ишлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, тинч ва осуда ҳаётини муҳофаза қилиш орқали давлат ва жамият қурилишидаги фаолиятини самарали олиб боришига хизмат қилиш ҳисобланади. Шу маънода, ички ишлар тизими ходими нафақат жисмонан соғлом, балки маънавий ва интеллектуал жиҳатдан ҳам салоҳиятли бўлиши давр талабидир. Бунда унинг ҳуқуқий компетенциясини такомиллаштиришда сиёсий маданияти ва сиёсий билимларга эгаллиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сиёсий маданиятни ижтимоий маданиятнинг бошқа элементлари ва халқаро маданий ҳаракатлардан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Сиёсий тизим, умуман, давлат ва жамиятга хизмат қилаётган ҳар бир мутахассис-кадрнинг фикри ва хатти-ҳаракатлари ҳам жамиятда сиёсий маданиятни шакллантиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, аниқ тажрибалар сиёсий маданиятга ҳам таъсир қилади. Натижада сиёсий маданият жамиятнинг моддий шароитлари, ижтимоий маданиятнинг бошқа жиҳатлари, сиёсий тизимни бошқарувчи шахсларнинг хоҳиш-истаклари, ижтимоий ҳодисалар ва тажрибалар билан шаклланади. Сиёсий маданият уч мезонида — “билиш, идрок этиш, ишониш” “ҳиссий мезон” ва “баҳолаш мезони” ўрганиб чиқилиши мумкин.

Шахс шу жумладан, ички ишлар тизимининг ҳар бир ходими ўзи яшаётган жамиятнинг сиёсий институтлари ҳақида минимал маълумотга эга бўлиши давр ва касбий фаолият тақозосидир. У бу институтларда сиёсий рол ўйнайдиганлар кимлигини, сиёсий партияларнинг мазмуни ва муносабатларини билиш зарурий компетенциялар ҳисобланади. Ходимнинг ўз мамлакатадаги сиёсий тузилмалар ҳақидаги билимга эга бўлиши сиёсий маданиятнинг “билиш, идрок этиш ва эътиқод қилиш жиҳатини” ташкил этади. Шахс атрофдаги сиёсий тузилма, ҳодиса ва одамларни билиш ва тан олиш босқичидан ташқари ҳиссий жиҳатдан идрок этган ҳолда улар фаолияти моҳиятини англаб этади. Шахс қайсидир

сиёсатчининг қарашларига муҳолиф бўлиши ҳам, у билан фикрдош ва сафдош бўлган ҳолда боғланиши ҳам мумкин. Шахснинг сиёсий тузилма ва сиёсий иштирокчиларга нисбатан бундай тасаввури сиёсий маданиятнинг “эмоционал жиҳати”ни ташкил этади. Бошқа жиҳатдан, сиёсий маданиятнинг “баҳолаш мезони” шахснинг ўзининг олдинги қадриятларига таянган ҳолда сиёсий ҳодисалар ҳақида ҳукм чиқаришидан иборат. Билиш, идрок этиш ва баҳолаш ўлчовлари билан бирга сиёсий маданиятнинг уч хил турини қайд этиш мумкин. Булар алоҳида шахсларнинг манфаати ҳеч қачон миллий даражага етиб бормайдиган “маҳаллий маданият”, шахсларнинг сиёсий тизимга нисбатан пасив муносабатда бўлган “бўйсунмиш маданияти”, шунингдек, шахслар сиёсий тизимга таъсир кўрсатиши мумкинлигига ишонч ва тизим ҳақидаги билимлар билан қуролланган “иштирокчилик маданияти”дир.

Радио, телевидение, газета ва бошқа нашрларнинг вазифаси фақат ахборотни етказиш эмас. Бу воситалар шахс ва жамиятнинг умумий ва сиёсий маданиятига ҳам таъсир қилади. Айтиш мумкинки, оммавий ахборот воситаларининг сиёсий ижтимоийлашувдаги роли бошқа ижтимоийлашув воситаларидан унчалик фарқ қилмайди (Туран, 1996: 60). Оммавий ахборот воситалари, хусусан, телевидение ва жаҳон интернет тармоқларининг кенг оммалашуви билан уларнинг сиёсий ижтимоийлашувдаги аҳамияти кескин ошди. Оммавий ахборот воситалари сиёсий тенденция ва хатти-ҳаракатларни маълум даражада ўзгартиради. Бироқ, бу воситаларнинг асосий вазифаси ҳозирги сиёсий тенденцияларни кучайтиришга қаратилгандир. Жамиятларнинг миллийлик ва инқирозли даврларида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Сиёсий институт бўйича тадқиқотларда ижтимоий синфлар, оила, мактаб, ижтимоий тадбирлар ва оммавий ахборот воситалари жамиятни сиёсийлаштиришда турли контекст ва суръатларда самарали рол ўйнаши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Тадқиқотлар натижасида олинган хулосалар шуни кўрсатдики, оилада ва мактаб таълимида олинган билимлар ва фаоллик муҳити сиёсий билимларни олишда пойдевор вазифасини ўтайди. Юқорида айтиб ўтилганидек, сиёсий маданият жамиятнинг катта қисми томонидан сиёсий элементларга бўлган муносабат, фикр ва ҳуқ-атворни англатади. Сиёсий маданият давлат сиёсатини шакллантиришдан тортиб, сиёсий низоларни ҳал этиш, сиёсий мулоқотнинг шакли ва мазмунигача бўлган кўплаб элементларни қамраб олган психологик муҳитни ҳам яратади. Шу билан бирга, сиёсий маданият жамиятнинг сиёсат ҳақидаги билими ва хабардорлиги даражасини, биз сиёсий деб атайдиган ҳар қандай нарсага нисбатан ҳиссиёт ва ҳаяжонни ўз ичига олади. Бошқача айтганда, сиёсий маданият сиёсий баҳс-мунозаралар кун тартибини, ижтимоий қатламларнинг талаблари шакли ва услубини, сўз эркинлиги чегараларини белгилайди. Оммавий алоқа имкониятларининг ортиб бораётганини ҳисобга олсак,

оммавий ахборот воситаларининг умуман шахсларнинг ижтимоийлашувига, хусусан, сиёсий ижтимоийлашув жараёнларига таъсири кундан-кун ортиб бораётганини таъкидлаш мумкин. Бу жиҳат ички ишлар тизими ходимларининг ҳам ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш, уларни касбий фаолиятда тўғри ва мақсадли қўллай олишга доир билим ва кўникмаларга эга бўлишини тақозо этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги сиёсий мулоқотда муҳим ўрин тутган сиёсий маданиятни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли кундан-кунга ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, сиёсий маданиятнинг сиёсий коммуникация тизимига таъсирига эътибор қаратган тадқиқотчилар сиёсий партия ва турли ижтимоий гуруҳлар таъсиридаги медиа тизими бир томонлама сиёсий таркибни юзага келтиришидан огоҳлантирадилар. Оммавий ахборот воситалари тизими янгиликлар учун сиёсий кадрларга қанчалик боғлиқ бўлса, сиёсатчилар ўз хабарларини ўзлари хоҳлаган йўналишда тарқатиш имконияти шунчалик юқори бўлади. Оммавий ахборот воситалари қанчалик автоном бўлса ва ўз мустақиллигини сақласа, у мувозанатли ва объектив сиёсий мазмунни тақдим эта олади. Бироқ, сиёсий партияларга қарам бўлган оммавий ахборот воситалари жамоатчиликни бир томонлама бошқариб, бир томонлама сиёсий мазмунни тақдим этса, ҳақиқий иштирокчи сиёсий маданият ҳақида гапириши мумкин эмас. Оммавий ахборот воситалари орқали бирёқлама маълумотлар оммага етказилса, кўпчиликни йўлдан оздириб, қарор қабул қилиш ва танлаш хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай ҳолатларда ички ишлар ходимларининг етарли сиёсий билим ва маданиятга эгаллиги юзага келиши мумкин бўлган турли хатарларнинг олдини олишда олиб бориладиган компетенцияли тарғибот-тушунтириш профилактик тадбирларида муҳим аҳамият касб этади.

Демократик тизимларда сиёсий мулоқот ҳар ким тушуна оладиган сиёсий нутқлардан фойдаланади, жамиятнинг кўпчилиги томонидан баҳам кўрилган фикр-мулоҳазалар ва сиёсий белгилар билан оммага мурожаат қилиш мумкин. Демократик тизимларда мулоқотдаги тўсиқлар минималлаштирилади, мулоқотлар осонлаштирилади, ахборот олиш йўллари очилади. Сиёсий маданият ривожланган демократик жамиятларда сиёсий мулоқотнинг ҳажми ва интенсивлиги юқори бўлиб, у икки томонлама хусусиятга ҳам эгадир. У нафақат жамиятга таъсир қилади, балки ўз-ўзидан ривожланади. Сиёсий алоқани шакллантиришда сиёсий маданият асосий рол ўйнайди. Сиёсий мулоқот ўзининг барча унсурлари билан иштирокчи сиёсий маданият ва демократия маданияти ривожланган мамлакатларда амалга оширилган бўлса, бу маданият ривожланмаган мамлакатларда сиёсий мулоқот ё ўзига ўрин топа олмайди ёки босим ва тазъийқларга дуч келади. Чунки иштирокчи сиёсий маданият ривожланмаган муҳитда эркин, мустақил ва кучли оммавий

ахборот воситалари мавжуд бўлмайди. Албатта, сиёсат эркин бўлмаган, мустақил оммавий ахборот воситалари мавжуд бўлмаган, сиёсий жараён тўғри ишламаётган муҳитда сиёсий коммуникация функцияларини керакли даражада ишлашини кутиш мумкин эмас. Шу боис, демократик плюралистик тизим ва илғор сиёсий маданият соғлом сиёсий мулоқот функцияси учун зарурдир. Шу каби шароитда сиёсий мулоқот ўзининг барча функцияларини бажариши ва демократияга ҳисса қўшиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, сиёсий маданият бутун инсоният маданиятининг ўзига хос таркибий қисми сифатида уни бошқа маданият турларидан ажратиб турадиган маълум таркибий элементларни ўз ичига олади. Шундай қилиб, сиёсий маданиятни сиёсий психология, сиёсий онг, мафкуравий компонент ва бошқаларга бўлиш мумкин.

Биринчиси, инсоннинг сиёсатга ҳиссий муносабати, маълум бир меъёр ва қадриятлар тизими, унинг сиёсий хулқ-атворида таъсир қилувчи муносабатларни ўз ичига олади. Ушбу таркибга қараб, турли сиёсий маданият вакиллари хулқ-атвор, иштирок этиш, меъёр ва қоидалар, сиёсий дунёқарашнинг тегишли стереотипларини ривожлантирадилар.

Сиёсий онг ҳам сиёсий маданиятнинг энг муҳим даражаси ҳисобланади. У мавжуд бўлган ижтимоий тизимдаги шахс томонидан олинган сиёсий қадриятларни ўз ичига олади, маълум даражада унинг мафкуравий мойиллигини белгилайди. Бундан ташқари, унда шахснинг сиёсат, сиёсий тизим, унинг институтционал, функционал ва бошқалар ҳақидаги тўпланган билимлари йиғиндиси мавжуд. Буларнинг барчаси инсоннинг ўз фикрини шакллантиришга, жамоат ҳаётига йўналтиришга ва муайян маданий қадриятларни илгари суришга имкон берадиган сиёсий вакиллик тизимини шакллантиради .

Умуман олганда, сиёсий маданиятни когнитив - билим, тажриба, сиёсий онг ва фикрлаш; ахлоқий - сиёсий қадриятлар, меъёрлар, анъаналар, урф-одатлар ва умумий тенденциялар, хулқ-атвор - сиёсий хулқ-атвор ҳамда унга таъсир қиладиган мотивлар, муносабатлар ва бошқалар орқали баҳолаш мумкин.

Сиёсий ижтимоийлашув - сиёсий рамзлар, институтлар ва тартибларни ўрганиш, бошқарувнинг фаол ёки пасив аъзоси ролини ўрганиш ва бутун тузилмани қўллаб-қувватловчи қадриятлар тизими ва мафкурани ўзлаштириш орқали сиёсий тизимда иштирок этиш мумкин.

Сиёсий ижтимоийлашувни ҳам индивидуал таълим жараёни, ҳам бутун жамиятнинг маданий тарқалиши сифатида қўриш лозим. Ижтимоийлашув - бу ўзаро таъсир ва ўзгариш жараёни бўлиб, унда шахс ва жамият бир-бирига таъсир қилади, ўзгартиради ва белгилайди. Бу жараённинг сиёсий соҳада амалга оширилиши сиёсий ижтимоийлашув деб аталади. Ҳар бир жамият ўзига хос ижтимоий муносабатлар тармоғига эга. Сиёсий маданият жамиятда сиёсий тажрибани шакллантириш, сақлаш ва узатиш тизими сифатида айнан жамият

шаклланиши ва ривожланишини таъминлайдиган кадриятлар ва меъёрлар тўпламидир. Ҳар қандай маданият уни ташувчиларнинг онги ва хатти-ҳаракатларида амалга оширилганлиги сабабли, сиёсий маданият ижтимоий гуруҳлар ва шахсларнинг тегишли сиёсий онги ва хатти-ҳаракатларида ҳам намоён бўлади. Шунинг учун сиёсий маданият кўпинча кадриятлар йўналишларига қараб сиёсий хатти-ҳаракатлар сифатида тушунилади.

Хорижик олимлар Т.Парсонс ва Э.Шилз сиёсий маданиятни сиёсат билан боғлиқ вазиятларда одамларнинг хулқ-атворини тартибга солувчи мотивация (йўналиш ва муносабат) онгида чуқур жойлашган кадриятлар тизими деб таърифлайдилар. Шунга қўра, сиёсий маданият концепциясининг мураккаблиги, ушбу концепция сиёсатнинг микро ва макро даражалари ўртасида кўприк бўлишини даъво қилиши билан боғлиқ. Маълум бир жамият аъзолари томонидан тарихий равишда ривожланган кадриятлар, ўзаро муносабатлар, хулқ-атвор моделлари ва бошқалар сиёсий ҳодисалар ҳамда жараёнларни тушуниш учун муҳимдир, чунки улар сиёсий маданият институтларининг ишлаш хусусиятлари ва уларнинг ўзгариш доираларини белгилайди. Шулардан келиб чиққан ҳолда ички ишлар ходимлари сиёсий маданиятини шакллантиришда мазкур билимларнинг асосини ўрганишлар муҳим касбий фаолиятларида аҳамиятга эгадир. Хусусан, сиёсий тажриба ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: халқнинг миллий-маънавий кадриятлари, менталитети, тарихий хотираси ва анъаналари ҳамда миллий давлатчилик тажрибаси, халқнинг миллий сиёсий мўлжаллари. Сиёсий онг эса мафкуравий, ғоявий компонент, эмоционал-психологик компонентлардан иборатдир.

Умуман олганда, сиёсий маданият узоқ тарихий давр тажассумидаги жараёнлар асосида шаклланади. Сиёсий маданиятнинг шаклланишида фуқароларнинг жамиятдаги сиёсий реаллик ҳис қилиши ва сиёсий жараёнларга дахлдорлиги муҳим. Давлат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ҳам сиёсий маданият моделини шаклланишида аҳамиятлидир.

Сиёсий маданият турли даражаларда намоён бўлади. Булар: тафаккур қилиш даражаси; фуқаролик даражаси; сиёсий даража.

Тафаккур қилиш даражаси. Ушбу даражада шахснинг сиёсий жараёнларда ўз ўрнини ториш, сиёсий ориентацияларни ва сиёсий хулқ-атвор меъёрларини аниқлаш босқичлари амалга ошади. Фуқаролик даражаси. Бунда сиёсий маданиятнинг асосий негизи шаклланиб, фуқароларнинг сиёсий ҳокимиятга муносабати белгиланади. Шахс сиёсий муҳитга киришиб, унда табиий ҳолда сиёсий тизимга нисбатан, сиёсий ҳокимиятга нисбатан муносабатлари шаклланади. Сиёсий ҳокимиятни ҳис этиш ва англаш натижасида унда фуқаролик бурчи, масъулияти ва мажбуриятлари ҳисси пайдо бўлади. Сиёсий даража. Шахснинг сиёсатга муносабати меъёр ва кадриятлар даражасига кўтарилади. Фуқаро ўзини

сиёсатнинг субъекти сифатида ҳис эта бошлайди. Ушбу даврда инсон ва сиёсат ўртасидаги муносабатларнинг барча жиҳатлари ойдинлашади. Инсон сиёсатнинг ўз ҳаётидаги ролини аниқ тасаввур этади. Шахснинг сиёсий маданияти унинг сиёсий хулқ-атворида бевосита намоён бўлади.

Сиёсий маданият доирасидаги илмий ёндашувлар ва қарашлардан келиб чиққан ҳолда сиёсий маданиятнинг қуйидаги моделларини таснифлаш мумкин. Авторитар модел – жамиятдаги зарур сиёсий меъёрлар ва қадриятлар, сиёсий тафаккур марказлашган ҳолда давлат томонидан шакллантирилади. Шу асосда давлат манфаатлари устун қўйилади. Оммани сиёсий ахборот билан таъминлаш ишлари марказ томонидан белгилаб берилган, алоҳида йўналишда олиб борилади ва давлат томонидан моноролиялаштирилади. Либерал модел – фуқароларнинг сиёсий манфаатлари муайян ҳуқуқий тизим асосида таъминланади. Ушбу моделда жамиятнинг сиёсий онги ва қадриятлари номарказлаштирилган ҳолда шакллантирилади. Давлат манфаатларининг устуворлик даражаси, унинг жамият, шахс, ижтимоий гуруҳлар манфаатлари билан қанчалик ҳамоҳанглигига боғлиқдир. Сиёсий тизим мукамал бўлиб, унинг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилади. Шарқона сиёсий маданият модели – сиёсий маданиятнинг шарқона модели, адолат ва ҳақиқатга интилиш, сиёсий тўс-тўролонларга нисбатан тоқасизлик, сиёсий мувозанатни сақлаш, тинчлик ва барқарорликка, осойишталикка кучли мойиллик билан ажралиб туради. Сиёсий жараёнларга вазминлик, чуқур фикр-мулоҳаза билан ёндашиш, унда кўпчилик манфаатларини кўпроқ ҳурматлаш устувор бўлади. Сиёсий эркинликни ахлоқ меъёрлари доирасида қабул қилиш, бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ишончга кучли мойиллик ушбу моделнинг ўзига хос жиҳатидир. Кўриниб турибдики, шарқона сиёсий маданият асослари инсоният заковати яратган энг олийжаноб жиҳатларни ўзида қамраб олади. Бу бошқа сиёсий маданият турларининг энг яхши ижобий жиҳатларини ўзига қабул қилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий маданиятнинг жамият ва давлат ҳаётига таъсир этиш кўлами нақадар кенг эканлигини билиш мумкин. Сиёсий маданият категориясига ёндашувлар унинг инсон ҳаёти, инсон ва жамият, давлат ва фуқаро ўртасидаги сиёсий муносабатларнинг муҳим омили эканини ҳам кўрсатиб турибди. Аслида ҳам, давлатнинг тараққиёти ва унинг фаолияти фуқароларнинг сиёсий онги ва маданиятига боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Усикова Л. Ф. Политическая культура // Локус: люди, общество, культуры, смыслы — 2010.
2. Инглхарт Р., Вельцель К. Модернизация, культурные изменения и демократия. М.: Новое издательство, 2011. 67 бет.